

# ҚИШЛОК ХАЖЖАТИ

1990 йил 8 август  
ЧОРШАНБА  
№ 179 (4.972).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленумининг қарори

## КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ЯҚУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС XXVIII съезди партиянинг ва ҳар бир коммунистнинг ҳаётида муҳим воқеа бўлганлигини таъкидлайди. Партияни янгилаш йўлида катта қadam қўйилди, ўткнр сиёсий баҳслар натижасида қайта қуришни янада чуқурлаштиришга оид муҳим қарорлар қабул қилинди.

Съезд КПСС социалистик йўлини танлаган ва коммунистик истиқболни мўлжаллаган партия эканини, у ўз сиёсатида илчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, бутун меҳнаткаш халқ манфаатларини йқодалаши ва ҳимоя қилишини аниқ-равшан таъкидлади. КПСС Маркс, Энгельс, Ленин меросини, социалистик қурилиш назарияси ва амалиётини иқодий ривожлантиришга ҳаракат қилди. Съезд КПССни жадал янгилаб, уни чинакам сиёсий партияга айлантиришни, жамиятимизни демократиялаштиришга қаратди. Айрим кучларнинг партияга қаршай қўйишига уринишларига қарамай, унинг ташкилий ва фойвий бирлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Компартияси делегатлари съезд ишида фаол қатнашдилар. Улар коммунистларнинг нақалларини назарга олиб, энг муҳим сиёсий масалаларда жинсликни намойиш қилиб, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг Ўзбекистон ССРнинг чинакам давлат суверенитети ва жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги, партия йнтивозини мустаҳкамлаш билан бир вақтда партия ички муносабатларини демократиялаш, партия тузилишининг территориял-ишлаб чиқариш принципини сақлаб қолиш тўғрисида, миллатлараро муносабатлар, Оролбўйидаги экология вазиини соғломлаштириш масалаларига доир позицияларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

КПСС XXVIII съездининг қарорлари, «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий баёоти, КПССнинг янги Устави партияни мустаҳкамлаш, унинг атрофида жамиятнинг соғлом кучларини жипслаштириш, вазиини барқарор этиш учун реал замин яратиш, демократиялаш ва социализм мавқеида турган қишлоқнинг ҳаммасини амалий бунёдкорлик ишларига даъват этиди.

Пленум партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотлари ўзини ҳос бўлган расмийлик билан кампанияликка йўл қўймай, биринчи навбатдаги тадбирлар сифатида КПСС XXVIII съезди материалларини ҳар томонлама муҳокама қилиш ва тушуниришни ташкил этишлари, партия ўз фаолиятини тубдан янгилаш даврига киргизилишини, коммунистлар нуқур англаб етишларига мувофиқ бўлган барча шаклар ва воситалар билан ёрдам беришлари зарур. Партия комитетлари пленумлари, Марказий Комитет, вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари комиссияларининг ишида КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари фаол иштирок этишлари таъминлансин. Оммавий ахборот воситаларида, меҳнат жамоаларида, истиқомат жойларида, ўқув юртиларида уларнинг чиқишлари ташкил этилсин. Съездларнинг қарорларидан келиб чиқадиган аниқ-равшан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга делегатлар жалб этилсин. 1990-91 ўқув йилида сиёсий маориф системасида КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳужжатларини ўрганиш кўзда тутилсин.

Пленум таъкидлайдики, партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотлари КПСС XXVIII съезди дастурий баёотини, резолюцияларини ва КПССнинг янги Уставига, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳужжатларига асосланиб, ўз ишларини янги сиёсий вазиятда жамиятда етакчилик ролини эгаллайдиган қилиб дарҳол ва қатъиян қайта қуришлари лозим.

Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги шартинда жумҳурият Компартияси муҳим вазифани Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларини ва маҳаллий шартларининг ўзига ҳос хусусиятларини ақ эътирайдиган ўз фаолият режаларига мувофиқ ҳал этиш лозим. Компартиянинг мустақиллиги ҳисобга олинган ҳолда унинг ички тузилиши ва партия ички муносабатларини тартибга солишдан, КПСС Уставига таянган норматив ҳужжат ҳам зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастури ва мақоми лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун Марказий Комитетнинг комиссияларини тузиш зарур деб ҳисоблансин, улар партия ташкилотларида ва партия матбуотида кенг муҳокама қилингандан сўнг 1990 йил декабрида Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи муҳокамасига қўйилсин.

Янги иттифоқ шартномасини тузиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва жумҳурият манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишни пленум Марказий Комитет бюроси, Ўзбекистондан сайланган коммунистлар —СССР халқ депутатлари ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари олдига асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Янги иттифоқ шартномасини тузиш чоғида Ўзбекистон ССР мустақиллиги тўғрисидаги декларация, унинг ер, ерости бойликлари ва табиат ресурсларига тўла эгаллик қилиш ҳуқуқи, Ўзбекистон аҳолини турмуш даражасини тенглаштиришга қаратилган умуимиттифоқ дастурини қабул қилиш зарурлиги ҳисобга олинсин.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг бошқариладиган бозор иқтисодига босқич-

ма-босқич ўтиш масалаларига доир резолюцияларига мувофиқ партия комитетлари ва ташкилотларининг, совет ва хўжалик органлари коммунист раҳбарларининг иши бозор муносабатларининг моҳиятини аҳолига кенг тушуниришга ва бозор муносабатларининг меҳнат сифати ҳамда халқ фаровонлигини оширишнинг самарали воситаси сифатида идрок қилинишига қаратилиши керак.

Жумҳуриятнинг мустақиллиги қондаларидан келиб чиқиб, барча коммунистлар мулкни бошқаришни маҳаллийлаштириш, савдо, умумий оқватлаиш корхоналари, маиший хизмат ва бошқа тармоқларни давлат ихтиёридан олиш, молция ва пул системасини соғломлаштириш, нарх белгилашни ислоҳ қилиш ва солиқ ислоҳотини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни рўйга чиқаришга фаол қўшилсинлар. Фуқароларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва аҳолини иш билан самарали таъминлаш чоралари системасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилсин. Халқ турмуш шартини ўзгартиришнинг чинакам ҳис этиши учун Ўзбекистон Компартияси сайловдои ҳаракат дастурини амалга ошириш ишлари давом эттирилсин.

Бозор иқтисодиёти шартинда ишлаш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан сира кечтирмай шуғулланилсин. Меҳнаткашларнинг манфаатларини кўлаб, ташаббускорлик ва омиликорликни ривожлантиришга кўмаклашадиган янгиликлар қўллаб-қувватлансин. Ўзбекистон ССР Министрлар Советидаги раҳбар коммунистлар иқтисодий-иқтисодий ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш чоғида жумҳурият вилоятларини уларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги аҳолини ҳисобга олиб ривожланиш даражасини бараварлаштиришни кўзда тутилсин.

Партия ташкилотлари аграр сиёсатда Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг озиқ-овқат комплексини устуни даражада ривожлантириш йўлини қатъият билан ўтказсинлар. Шу мақсадда қайта ишловчи санаятинг базасини мустаҳкамлаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ишлари кучайтирилсин. Мама-лакатнинг бошқа регионлари билан ўзаро манфаатли узоқ муддатли алоқалар ўрнатилсин. 1991 йил халқ хўжалиги режаларини тузиш чоғида қишлоқни иқтисодий жиҳатдан қайта қуриш учун капитал маблағ ажратилишни кўпайтириш имкониятлари қидриб топилсин, ер, мулкчилик тўғрисидаги қонулар доирасида жамоат, шахсий, фермер хўжаликларини, оила хўжаликларини, пулратнинг ижара шакллари ривожлантиришга кўмаклашилсин. Истеъмол бозорини барқарор қилишда коммунистларнинг эътиборини бу йилги ҳосилини ушқоқлик билан йиғиштириб олиш ва маҳсулот тайёрлашга қаратиш жуда муҳимдир.

Пленум шунини алоҳида таъкидлайдики, миллатлараро муносабатлар соҳасида беқарорлик ҳамон сақланиб турган шартинда партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотларидан иқтисодий-иқтисодий ҳамда миллий-маданий муаммоларни ҳал этишга пухта ўйлаб ёндашиш ва уларни ҳал қилиш юзасидан зўр бериш иш олиб бориш талаб қилинади. Сиёсий усуллардан ва қону лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланиб жумҳуриятда яшовчи барча миллатлар ва элалар ўртасида тинчлик ва осо-йишталикка эришиш, уларнинг миллий шаъни ва қадр-қимматини, иқтисодий турмуш соҳасида тенг имкониятларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш учун курашиш зарур. Пленум ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларида ишловчи коммунист раҳбарларга байрқонуний ҳатти-ҳаракатларни илдиз билан кўпориб ташлашни, можароларнинг, кескин вазиининг олдини олишда қатъийлик ва собитқадамлик кўрсатишни топширади.

Пленум КПСС XXVIII съездининг маориф, фан ва маданият соҳасида партия сиёсати ҳақидаги резолюциясининг умумбашари кадрятларини тан олишга асосланган қондаларини қўллаб-қувватлайди. Партия комитетлари миллий маданиятни тиклаш вазифаларини ҳал қилар эканлар, жумҳурият режаларини амалга оширишда жумҳуриятнинг давлат тилига, туб аҳолининг айтаанлари ва урф-одатларига ҳам, Ўзбекистон хуқуқидан яшовчи бошқа халқларнинг тилига, маданиятига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлишни тиклашда эришилсин натижаларини мунтазам ва оғишмай кўпайтириб борсинлар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ёш аволда таълим ва тарбия беришда миллий-маданий анъаналарни, мактабни демократиялаш ва инсонпарвар қилишни қону билан мустаҳкамлаб қўйишни, Ўзбекистонда яшовчи барча миллий гуруҳларнинг таълимга эътибарларини таъминлашни давлат йўли билан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни, муаллим қасбининг обрўсини оширишни, техника тараққиёти билан боғлиқ илмий кадрлар тайёрлаш системасини тақомиллаштириш зарурлигини кўзда тутиб, халқ маорифи тўғрисида қону қабул қилиш ташаббуси билан чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ССРнинг ва жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги шартинда ўз режаларининг, иқтисодий-сиёсий жараёнларни иқтисодий фаразлашни илмий жиҳатдан асослаб бериш зарурати вужудга келишини ҳисобга олиб, пленум Марказий Комитет бюросига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хузурида иқтисодий-сиёсий муаммолар институти ҳамда жумҳурият раҳбар кадрларини тайёрлайдиган иқтисодий-сиёсий марказ барпо этиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлашни топширади.

Ҳисоб-китоблар учун хўжаликларга ўз вақтида наид пул берилишини таъминлашлари зарур.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети, Давлатлогистик АССР Министрлар Совети ва вилоят иқтисодий комитетлари партия тартиб-таъминоти ва ремонт қилишни, механикатор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни белги-

Пленум иқтисодий-сиёсий ўзгаришларда ёшларнинг алоҳида ўрни тутушини эътироф этиб, ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, уларнинг ҳаётий мақсадлари амалга ошиши, уларни фаол иқтисодий фойдали фаолиятга жалб этиш учун аниқ шарт-шароитни ва омилларни таъминлаб берадиган жумҳуриятнинг ёшларга оид давлат сиёсати умумий асослари тўғрисида Ўзбекистон ССР қонунини тезроқ қабул қилишни мақбул деб ҳисоблайди. Жумҳуриятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш режаларига ёшларга доир махсус бўлимлар киритиш мақсадга мувофиқдир. Марказий Комитет, вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари таркибда ёшлар билан ишлаш комиссияларини тузиш зарур деб ҳисоблансин.

Демократиялаш ва фикрларнинг хилма-хиллиги кенгайиб бораётган шартинда партия комитетлари ўз матбуот органлари билан муносабатларини аппарат зўравонлигига йўл қўйилмайдиган сиёсий ҳамжиҳатлик, иқодий ҳамкорлик негизига қурсинлар. Партия газеталари ва журналлари ички тузилишини тартибга солиш ишлари давом эттирилсин. Марказий Комитетнинг мафқуравий комиссияси Ўзбекистон ССРдан ташқарида чиқариладиган нашрлар муҳбирларининг жумҳуриятдаги вакилиги тартиби ҳақидаги таклифларни тайёрласин. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги жумҳурият қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон халқларининг маънавий ва ахлоқий қадриятларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қондалар унга киритилишига эришилсин.

Пленум янги иқтисодий-сиёсий вазиятда, кўп партиялик вужудга келаятган шартинда партия комитетлари ва ташкилотлари фақат ўз фаолиятларининг шакллари ва усулларини янгилаш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш асосидангина ўзларининг етакчи мавқеаларини сақлаб қола оладилар, деб ҳисоблайди.

Пленум жумҳуриятда партия ва совет органларининг вазифаларини фарқлаш жараёни жуда секин ва зиддият-ли ўтаётганлигини эътироф этиб, вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига халқ депутатлари Советлари билан чинакам ҳокимият органлари сифатида мутлақо янги ўзаро муносабатларни ўрнатиш юзасидан амали чораларни рўйга чиқариш вазифасини юклайди. Иқтисодий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт муаммоларига доир ўз режаларининг амалга оширилишига фақат сиёсий усуллар билан, Советларга сайланган ва уларнинг раҳбар органларида ишлаётган коммунистлар билан ба-ҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали эришилсин, бунда қону лойиҳаларини таклиф этиш конституцион ҳуқуқидан фойдаланилсин. Шу мақсадда барча босқичдаги Советларда партия гуруҳларининг фаолиятини жипслаштирилсин, коммунистлар бундай гуруҳларда қатнашар эканлар, КПССнинг дастурий мақсадларига, ўз сайловчиларининг иродаларига амал қилишлари, аниқ муаммолар юзасидан қатъий позицияларда туришлари ҳамда энг муҳим сиёсий масалалар юзасидан депутатларнинг жинслигига эришилсин лозим.

Пленум КПСС Уставига мувофиқ равишда Марказий Комитетнинг бюросига, вилоят, шаҳар ва район партия комитетларига партия ташкилотлари ички тузилишини ва партия комитетлари аппаратини тақомиллаштириш ишларини жадаллаштиришни топширади. Ишлаб чиқариш ва бошқа жамоаларда партия ташкилотларини сақлаб қолиб, шу билан бир вақтда истиқомат жойларида, маҳаллаларда ҳамда мансабларда сиёсий иш олиб боришнинг гонт муҳимлигини ҳисобга олиб, кучли, фаол территориял ташкилотлар тузишга киришилсин. Тармоқ ва территориял принцип бўйича партия ташкилотлари котиблари кенгаши-ни тузиш, уларнинг мустаҳкамлаишида амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Партия комитетлари кадрларга доир сиёсатини бутунлай қайта қўриб чиқишлари, ҳаддан ташқари кўп сонли номенклатурадан, анкетага қараб кадрларни расмийлик билан танлашдан қатъиян воз кечишлари керак. Эътибор кўпроқ партия ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилинсин. Шу мақсадда Марказий Комитетнинг ташкилий-партиявий масалалар ва кадрлар билан ишлаш комиссияси Тошкент олий партия мактаби негизинда партия ходимларининг сиёсий-иқтисодий таълимни тақомиллаштиришга доир таклифларни тайёрласин. Партия комитетлари жумҳурият Компартияси позициясида турувчи номзодларни тавсия этиш, Совет ҳокимияти ва давлат бошқаруви идораларидаги, мафқуравий муассасалардаги асосий лавозимларга уларнинг сайланиши ва тайинланиши учун куралиш ҳуқуқидан фаол фойдаланишлари лозим. Сайловда ишчилар ва деҳқонларга амалий мадад берилсин.

Марказий Комитет секретариати партия аъзолик бадалларини тўлашнинг янги қондаларига асосланиб, вилоят партия комитетлари билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Компартияси бюджегининг даромад ва харажатлар қисмини тузиш юзасидан таклифлар тайёрласин, партия мулкни бўлган объектларга эксперт сифатида баҳо беришни ўтказиб, улардан самаралироқ фойдаланишни юзасидан ўз хулосаларини тайёрлаб берсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми жумҳурият коммунистларини жипслаштиришга, КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларидан келиб чиқадиган масъулиятли вазифаларини бажариш юзасидан бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланишга даъват этади.

ланган муддатда тугаллаш, шунингдек янги ҳосилининг камиди 60 фонзи механизация ёрдамида йиғиштириб олинишини таъминлаш юзасидан барча бошқа тадбирларни кўришлари керак.


Қарорда олий ўқув юрти-лари талабаларини ва махсус ўқув юртилар ўқувчиларини, шунингдек шаҳарлик шартномаси асосида жалб этилади.



Қашқадарё вилояти, Усмон Юсуфов районидagi Улянов номи давлат хўжалигининг Субҳон Бобомуродов

бошлиқ бригадани зармуослари ўтган йили ҳар гектар ердан 41 центнердан ҳосил кўтарган эдилар. Жамоа аъзолари жорий йилда ҳам юқори кўрсаткичга эришиш учун бор маҳорат ва тажрибаларини ишга солмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: бригаданинг илгор механизатори Дилмурод Ҳасанов, Пастда эса гўзаларни механизм ёрдамида такрор чилиш пайти.



Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.



СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Е. Х. ХАИМОВНИ ХЎРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи Екуб Хаймович Хаймов Хўрмат ордени билан мукофотлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 6 август.

### Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

## 1990 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШДА КОЛХОЗЧИЛАР ВА СОВХОЗ ИШЧИЛАРИНИНГ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта ҳосилини сифатли ва исоб-обуд қилиш, асосан колхозлар ва совхозларнинг ўз кучлари билан вақтида териб олишга таъминлаш мақсадида қарор қабул қилди. Қарорда қўйилган кўзда тутилди:

Ҳосилни тезроқ ва сифатли йиғиштириб олишнинг моддий омичларини вужудга келтириш учун колхозлар ва совхозларга иш ҳақининг белгиланган фонди доирасида, шунингдек пахта ҳосили харид нархларига қўшимча ҳақ тарзида олинадиган маблағларнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳисобига қуйидаги миқдорда ҳақ тўлаш тавсия этилади:

Машинада терилган бир тонна пахта учун — 10 сўм; қўлда терилган бир кило-

грамм кондицион пахта учун — 25 тийин.

Йиғим-терим ишларида банд бўлган кишилар билан ҳар куни, беш кунда бир марта ва ўн кунда бир марта ҳисоб-китоб қилишни сиёаб кўриш тавсия этилади.

Ўзбекистон Давлат банкни ва Ўзбекистон Агротранспорт банкни ҳосилини йиғиштириб олишда меҳнатга ҳақ тўлаш

юзасидан ҳисоб-китоблар учун хўжаликларга ўз вақтида наид пул берилишини таъминлашлари зарур.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети, Давлатлогистик АССР Министрлар Совети ва вилоят иқтисодий комитетлари партия тартиб-таъминоти ва ремонт қилишни, механикатор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни белги-

чилар ва хизматчиларни Қоракўлпогонист АССР Министрлар Совети ва вилоят иқтисодий комитетларининг қарорларига буювчи хўжаликларнинг ўз кучлари тўла сафарбар этилган фавқулодда ҳолатлардагина ҳосил теримга жалб этишга йўл қўйилиши кўзда тутилди. Ана шу меҳнат ресурслари хўжалик шартномаси асосида жалб этилади.

Ҳосилни тезроқ ва сифатли йиғиштириб олишнинг моддий омичларини вужудга келтириш учун колхозлар ва совхозларга иш ҳақининг белгиланган фонди доирасида, шунингдек пахта ҳосили харид нархларига қўшимча ҳақ тарзида олинадиган маблағларнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳисобига қуйидаги миқдорда ҳақ тўлаш тавсия этилади.

Машинада терилган бир тонна пахта учун — 10 сўм; қўлда терилган бир кило-

### ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НАМАНҒАН. 7 август. (ЎзТАГ). Бутун бу ерда вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Б. А. Алламурадov Ўзбекистон қасаба уюшмалари кенгашининг раиси этиб сайланганлиги муносабати билан вилоят партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР давлат кооператив-қишлоқ хўжали-

ги комитетининг раиси вазифасини иқро этган Б. Ж. Ҳаймов Наманган вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.


Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий назорат комиссияси президиумининг аъзоси Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этди.





САДАФТИШИЛАР



илдизи орасига кириб қолган мошдек гўшти, гуруч...

Хўш, илгари-ку, уни фақат сугуриб ташлаш билан қутулишар экан?

Қайта қуриш, демократия ва ошкоралик даврида одамлар сийхат-саломатлигини мустаҳкамлаш...

ЯЛТИРАГАНДА

Халқимизда «Оғриқ тишининг давоси — омбир» деган мақол бор.

Мўжизалар оламида

ХИЗИР НАЗАР ҚИЛГАН



Хушбағорнинг қаноти бор, дейишади. Нигора ва Нодирада биоток борлиги, улар бирқанча касалликларни даволай олишлари ҳақидаги гап жуда тез тарқалди.

ноҳиясининг Чибор қишлоғида яшовчи Холбек повлоқ Назаров эса қизларнинг доғруғини ана шу Донобой акадан эшитиб келди.

«Кўпнинг дуоси — кўл», дейди доно халқимиз. Олқиш олган қизлар ҳали анча ёш, уларга тўғри даволаш кўникмаларини ўргатиш керак.

Албатта, опа-сингилдаги экстраенслик қобилияти айриллар шубҳа билан қарашлари ҳам мумкин. Шунинг учун уларни вилоят марказий шифохонасида текширувдан ўтказишди.

Уларнинг отаси Абдуҳамид Равшанов ноҳия ички ишлар бўлимида ишлайди. Ониси мактабда ўқитувчи. Опа-сингил эса Галлаоролдаги 31-ўрта мактабда 10- ва 8-синфларда ўқийди.

СУРАТДА: Нигора Рашидова.

ҲУЙНЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Шундай қилиб, АҚШнинг Снэтл шаҳрида бир ой давом этган Яхши ният ўйинлари ниҳоясига етди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, бу сафардаги Яхши ният ўйинлари кенг программادا ўтказилди.

Шуниси қувончлики, Ер юзининг 54 мамлакатидан келган спортчилар орасида мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар.

Шун алоҳида таъкидлаш зарурки, мамлакатимиз терма командасининг умумий ҳисобига галаба қилишида жумҳуриятимиз вакиллари...

Норасмий ҳисобда иккинчи ўринни АҚШ спортчилари ўтди. Улар жами 161 та медал (60 та олтин, 53 та кумуш, 48 та бронза) билан тақдирландилар.

Энди Яхши ният ўйинлари ниҳоясига эришилган натижа билан таништирмиз.

Дюдо бўйича баҳслар мамлакатимиз терма командаси жағмарасига иккинчи олтин медал келтирди.

Баскетболчиларнинг финал учрашувида (хотин-қизлар) АҚШ ва СССР терма командалари қатнашдилар.

Ер юзининг турли бурчакларига ойнан жаҳон орқали олиб кўрсатилган бу сафарги Яхши ният ўйинлари ҳам тинчлик ва дўстлик ширини остида ўтиб, спортчиларнинг катта анжуманига айланди.

МУҲАРРИР А. Ф. МУХТОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҲУЖАЛИГИ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ КОМИТЕТИ

Агроекономика комплексидagi қайта ишлаш тармоқлари, шу жумладан озик-овқат, гўшт-сут, мева-сабзавотчилик ва бошқа тармоқлар учун транспорт-технология тараларини рационаллаштириш, кашф этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига доир энг яхши таклифлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитлари аҳолини сабзавотлар, мева-сабзавотлар, полза экинлари, картошка, гўшт, сут ва бошқа озик-овқат саноати маҳсулотлари билан мўл-кўл тарзда таъминлаш имконини беради.

Мазкур танлов тара ва қадоқлаш материалларини тайёрлашга оид маҳаллий шарт-шароитлар ва маҳсулотни сақлашнинг халқий усулларини ҳисобга олган ҳолда, юксак технология ва техникавий савияси, ишлаб чиқариш тежамкорлиги ва самарадорлиги билан ажралиб турайдиган ўзинга хос ечимларни қидириб топил мақсадида эълон қилинмоқда.

Боғлар ва узумзорларда териб олинган маҳсулотлар, сабзавот ва полза экинларини транспортда ташиш учун мўлжалланган тараларнинг ишланмалари алоҳида аҳамият касб этади.

ҚУНИДАГИЧА ЙУНАЛИШЛАРДАГИ ИШЛАР ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ МУМКИН:

- 1. Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича: а) қуйидаги маҳсулотларни жўнатиш учун транспорт тараларини ишлаб чиқиш; б) полза экинлари учун маҳсулотнинг бутлиги, вазининг энгиллиги, қайтариб бериш имконияти (ҳажми кичрайган ҳолда) каби талабларга мувофиқ келадиган (контейнерсиз) таралар; в) (кулпулли) резаворлар учун контейнерлардаги унчалик катта бўлмаган (1—2 килограмм маҳсулот синадиган) куювча кўринишидаги таралар; г) узумлар, данакли, уруғли мевалар учун 8—20 килограмм маҳсулот синадиган, бирмунча энгил ва эстетик ёғоч яшиқлар, шунингдек полиэтилен, картон тоғралар; д) картошка, пийёза маҳсулотлари билан кам миқдорда (1—2—3 килограмм ҳақисада) савдо қилиш ва транспортда ташиш учун ҳаротарини мўътадил сақловчи пленка ва ёки бошқа материаллар ҳам бўлиши мумкин; е) консервалар учун — ҳар хил синадиган (0,2 литрдан 3 литргача) янгича ҳўсинда маҳкамлаб беркитилидиган (европак) ва бошқа турдаги қоқоқлар) технология таралар, шиша банкалар, полимер таралар; ж) транспортда ташиш учун: блокларга, контейнерларга ва бошқаларга жойланган ҳолда; з) вино-арақ маҳсулотлари: ҳар хил синадиган шиша идиш (бутилка)лар, полимер идишлар; и) бутилкалардаги маҳсулотларни транспортда ташиш учун ёғоч, полимер ва картон яшиқлар.

2. Озик-овқат саноати маҳсулотларини қайта ишлаш ва транспортда ташиш бўйича:

- а) синами 3—5 килограммлик туғука банкаларни ишлаб чиқариш ва пахта мойини қадоқлашга оид автоматлашган йўналишни ишлаб чиқиш; б) бутилкали маҳсулотларни корхоналардан савдо шохобчаларига транспортда ташиш учун усқунлар тарафини янги тараларни тайёрлаш; в) озик-овқат маҳсулотларини учун турли шакл ва синамлардаги шиша идишларини янги турларни ишлаб чиқиш; г) пахта мойи ва кир сувунини транспортда ташиш учун полиэтилен тараларни тайёрлаш.

3. Гўшт-сут маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича:

- а) эритилган ёғни қадоқлаш учун синами 5 килограммлик туғука банкаларни тавсия этиш (ёғоч боқалар, ўрнига); б) ҳайвон ёғини қадоқлаш учун картондан ишланган ёғ-қутини тайёрлаш; в) сут маҳсулотларини учун маҳаллий ҳон ашёдан тайёрланган синами 0,5 литрлик шиша бутилкалар тайёр қўйилгандаги металл панжаларини тавсия этиш; г) сут маҳсулотлари учун ҳар хил синами стаканлар ишлаб чиқаришга оид таклифларни ишлаб чиқиш.

Танловга тақдим этиладиган ечимлар ишларнинг тавсия билан қисқарганга низоҳ мактубидан нобрат бўлиши лозим.

Таклифлар 1990 йил 1 ОКТЯБРГАЧА Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги давлат кооператив комитети ва «Ўзгалавагросервис» Ўзбекистон ССР агроекономика комплексининг моддий-техникавий ва муҳандислик таъминоти Бош бошқармасига қуйидаги манзилга йўллангани зарур: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй («Танлов» деб ёзиб қўйиш талаб этилади).

ҲАР БИР ЙУНАЛИШ БУЙИЧА ЭНГ ЯХШИ ЕЧИМЛАР УЧУН ҚУНИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАН ГАН:

- Битта биринчи мукофот — 3000 сўм, Иккита иккинчи мукофот — 2000 сўмдан, Учта учинчи мукофот — 1000 сўмдан.

Мукофотлар танлов ҳайъатининг қарорига кўра тақдим этилади ва бу ҳақда ишларнинг қарорига кўра тақдим этилади ва бу ҳақда ишларнинг муаллифларига почта орқали хабар қилинади.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Ойнан жаҳонда

- 9 АВГУСТ, ПАЙШАНБА
● УэТВ I
11.30 Болалар учун фильм. «Эртак бошланган».
12.00 «Спортнинг умид камалаги», «Пярун — спорт шаҳри».
12.40 «Сержа». Бадий фильм («Мосфильм»).
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
Кўнак ўқиси таътиллалар
17.40 Болалар учун фильм. «Петькани кўрган борми?» (А. Довженко номли киностудия).
18.55 «Алифбо сабоқлари».

- 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
● УэТВ II
18.05 «Касби: шофёр», «Кодралар». Телефильмлар.
18.40 «Китобсеварлар» (рус тилида).
19.20 «Иккиқилма қолқон», Бадий фильм. 1-серия (Рига киностудияси).
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
20.30 Москва, «Время».
21.00 «Гулчин». Мусиқий кўрсатув.
21.40 «Сирена».
22.00 «Ахбор».
22.20 «Аламлардан кучли». Бадий фильм (рус тилида).
● МТ I
6.00 «120 минут».
8.00 «Ференц Лист». Беш серия-

- визон хизмати (сурдо тержима маси билан).
18.30 Экология ҳақида мулоқотлар.
19.15 Тўнини хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кўноқ жўжа». Мультифильм.
19.30 Отиш спорт буйича жаҳон чемпионати кундалиги.
19.45 Соня Казарян куйлайди (Австрия).
21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК. «Динамо» Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
22.50 М. Шнзгел. «Машинастка». Телевизон спектакль. Премьер.

- «Тренер» («Леннаучфильм»).
9.00 Черкасск Давлат хизмат кўрсатган украин халқ хорининг концерти.
9.30 «Нега ва нима учун». «Зумрад шаҳар сеҳрлари».
10.00 «Чеплинана». Фильм-балет (Ленинград).
11.05 Ритмик гимнастика.
11.35 Тақрирлий телефильмлар севаси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси», 3-серия.
● МТ II
8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.20 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Телефон ва оркестр учун концерт» («Телефильм-визон хизмати»).
18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.15 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 МТ олтин фондидан. И. Л. Андерсоннинг оғзаки ҳикоялари.
22.00 «Балет... балет...».
23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масыул котиб. 33-09-93, 32-56-26. Масыул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуш бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34, Дехқончилик бўлими — 33-54-33, 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабият ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.